

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 238 (10.543)

2005 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ

ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!
Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ихозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!
Ҳақиқатан ҳам, 8 декабрь - Конституциямиз қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ушбу қутлуг сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирини, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди.

Мана, ўн уч йилдирки, биз эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамят қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий Қонуни-мизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Ана шу ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустақкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айна пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қилдик.

Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган гоът мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида қандай жараёнларга дуч келмайлик, қандай оғир синовларни бошимиздан кечирмайлик, Конституциямиз ҳамиша юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда яқяю яғона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий Қонуни-мизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўрнили, деб биламан.

Давоми 2-3 бетларда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 13 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунтириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Конституциянинг ҳаётий негизи нақадар мустақкам экани, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос экани аққол тасдиғини топди.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суриши, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва истиқлолга садоқатимиз замирида Бош Қомусимиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир юрtdошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илг кунларида ноқон инсон эрки, унинг бахт-саодати бош гоълардан бирига айланди. Инсонпарварлик гоълари билан йўғрилган ислохотлар жамятининг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюқ ўзгаришларнинг туб мохияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва им-

кониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон танлаган йўл - демократик ривожланиш ва фуқаролик жамятини қуриш йўли ҳам Асосий Қонуни-мизда белгилаб берилган.

Биз демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган ва асосий принципларига таянади-

ғлом ва маънавий бой авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. «Соғлом халқ, соғлом миллатга буюқ ишларга қодир бўлади» шioriда ўз мужассамини топган ушбу йилда эришилган улкан ижобий натижалар авваламбор тиббий соҳани янги босқичга кўтаришга, халқимиз ҳаётини янада яхшилашга қаратилди.

«Сихат-саломатлик йили» дастури қабул қилиниб, унда юрtdошларимиз кенг қўламада бой-

далана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиб, оналар ва болалар скрининги тизимини такомиллаштириш, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломат-

лигини асраш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустақкамлаш, уларни замонавий таъхис ва тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш масалаларига кенг ўрин берилди.

Ушбу Дастур тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш, тизим ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнاتини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш каби бошқа бир қатор амалий ишлар учун ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги - 2006 йилни мамлакатимизда «**Хонийлар ва шифокорлар йили**» деб эълон қилишни тақлиф этди. Юрtdошимизнинг бу тақлифини йиғиланган гулдурос қарсақлар билан маъқуллашди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан яқунланди.

Ўза

БҮЮК ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

ган, айни чоғда мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, халқимизнинг дунёқарашига асосланган ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўли-мизга - тараққиётнинг «Ўзбек модели»га доим содиқмиз.

Юрtdошимиз бошлаган ишларимизни кенг қўламада, жадал суръатлар билан давом эттириш борасида олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда ҳар бир янги йилни янги ном билан аташ аънана тусини олган. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай эзу аънана замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод қамолоти, она ва бола химоюси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва мурувват туйғуларини юксалтириш ҳисси мужассам.

2005 йил - Сихат-саломатлик йилида жамятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустақкамлашга, жисмоний со-

ларида бизларнинг ҳам иштирокимиз, ҳиссамиз бор, деб барчамизга гурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мана, ўз ниҳоясига етиб бораётган, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин олаётган 2005 йилнинг яқунига эътибор қаратайлик. Дикқатингизни фақатгина уч-тўртта рақамга жалб қилмоқчиман, деб таъкидлади Президентимиз.

Жорий йилда мамлакатимиз буйича ялли ички маҳсулот ҳажми 107 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 124 фоизга ўсгани, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлмиш галлчиликда 6 миллион тонна, яъни 90-йилларга нисбатан ўн қарра кўп, пахтачиликда 3 миллион 750 минг тонна, яъни охириги ўн йил давомида энг катта ҳосил олишга эришилгани, янги-янги замонавий саноят қорхоналари, шинам уй-жойлар, шифокорлар, мактаб, лицей ва коллежлар ишга туширилаётгани, амалга оширилаётган кенг қўламадаги ободончилик ишлари бу фикрни аққол тасдиқлайди ва исботлайди.

Давоми 4-бетда.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Улғу байрамларимизни шодиёна билан нишонлаш эзгу удумларимизданди. Аънамага кўра энг улғу, энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустақкамлашдаги улкан хизматлари учун бир гуруҳ юрtdошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

—Бугун Оқсарой қароргоҳида, мана шу мухташам залда Конституция байрами арафасида сизлар билан учрашиб, дийдор қўришиб турганимдан хурсандман, - деди Юрtdошимиз. - Авваламбор, юксак мукофотларга сазовор бўлган сиз, азизларни давлатимизнинг фахрий унвон, ордан ва медаллари билан чин қалбимдан табриқлаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик, ишларингизга омадлар тилайман.

Бугун юрtdошимнинг қайси минтақасини олмайлик, марказда, яқин ва узоқ жойларда бўладими, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётгани, давлатимизнинг кучқудрати ва салоҳияти ортиб, иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида кўлга киритилаётган салмоқли ютуқларимиз, ўйлабманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бундай ўзгаришлар мана шундай бунёдкорлик иш-

ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципларни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ушбу конституцион тамойилга биринчи ғалда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг қундалик фаолиятида оғишмай роя қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсақ, ўйлаймани, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тарққиёти, жамиятимизнинг демократик янгилиниши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ешиқда «**Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун**» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки ғалла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — ниманики шу қилмасак, уларнинг ҳаммаси охири-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз ҳолисона тан олишимиз керак — кўпинча қундалик ҳаёт таъшишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз.

Шу борада яна бир муҳим масалани тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фарован ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳаёт ганимларимиз ҳам инкор этолмайд.

Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга етишим, олдимизда қўйган марраларга эришим йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйлаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсик ва говлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошқорла гапириш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.

Очигини айтганда, собиқ тузумга хос қолдик ва асоратлар, барчамизнинг онгимизда ҳали-бери сақланиб қолётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Барака топкурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўётган хатоларимизни аввало ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи ғалда ўзимизга айтидиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен ўта муҳим масалага алоҳида ургу бериб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барчамиз ҳаётимизда ханузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

Иккинчидан, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воже-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшайшимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқат нима бўхтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

Учинчидан, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдирини ва эртанги кунини учун ривожланиш йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи такозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгиди

муқтақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият энгилмас кунга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сунгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини аққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгилиниши ва янги жамият қуриш йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойиллари ҳақида мухтасар қилиб, қисқа тарзда эслатиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзиди учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришим, унинг асосларини яратиш учун ақсарият давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди энди бу жараёнга киришмоқда.

Иккинчидан, барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатлари ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яққо ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатиға зид нарса.

Бу ҳақиқатни охириги даврда жуда кўп мисолларда кўриш мумкин.

Демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунққ оқибатларга олиб келиши мўққарар.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган.

Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади.

Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало — халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан этиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз.

Шу билан бирга, очик айтиш керак, Ўзбекистонни олиб бораётган муқтақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишмиизга аралаштиш, турли ниқоблар остида бизга қарши таъзияк ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мулҳо қабул қилмаймиз.

Шуни айтишим керак — бизга нисбатан бундай уринишлар чиппака чиқилиши мўққарар ва бу масала бўйича лўттибозликни йўқлаштириб қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Вактнинг шиддат билан ўтишини қарангки, юртимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳоясига етиб бормоқда.

Асосий маъно-мазмунини ва фалсафасини «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган широмиздада мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, яққнига этиб бораётган, «Сихат-саломатлик йили» деб ном олган жорий йилимизда амалга татбиқ этган дастур ва тадбирлар аввало тиббий соҳани янги босқичга қўтаришга, одамларимиз, халқимиз ҳаётиға қандай ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Утган давр мубайнида республикаимиздаги 38 та шифохона ва сихатгоҳ янгитдан

барпо этилгани, тўлиқ капитал таъмирлангани ва реконструкция қилингани, 93 та даволлаш-профилактика муассасаси замонавий тиббий усқуналар билан жиҳозлангани, ўйлайманки, бу борадаги ишлар қўламиндан етарлича далолат беради.

Шунингдек, бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 210 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилгани қанча-қанча одамларнинг шифо топишиға, касалликларининг олдини олишиға хизмат қилиши шубҳасиз.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар юртдошимиз сифатли тиббий хизматдан фойдалангани ва қўшимча равишда 2 миллион кишиға хизмат кўрсатиш имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим қадим сифатида баҳолаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ибратли ишлар нафақат пойтахтда, балки барча вилоят ва туманларимизда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги шифохона, Богот туманида эса янги туғуруқхона маҳмуи барпо этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани марказий касалхонасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-усқуналар билан жиҳозланди. Бу ишларға 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Қарши шаҳрида кардиология ва иختисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Фаллолорл туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийсида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий инфра-тузилма иншоотлари барпо этилди.

Шулар қаторида Республика шохилич тиббий хизматининг марказий ва жоилардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминлангани мазкур тизимнинг самарадорлигини оширишға албатта ҳисса қўшди.

Тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида пойтахтимиздаги иккита медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда академия қошида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ҳам иш бошлади. Бундан ташқари, 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, уларда минг нафар талаба таҳсил олаётгани ҳам тиббий кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашға хизмат қўлади.

«Сихат-саломатлик йили»да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалик, репродуктив саломатлиқни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида ҳам жиддий натижалар қўлга киритилгани барчамизға мамнуният бағишлади.

Оналар ва болалар скрининги тизимининг тақомиллашуви, ниқодан олдин тиббий қўриқдан ўтказиш, 1 йилдан бўлган болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг миқдоси кенгайиши ва бошқа муҳим тадбирлар тўғрисида «Чалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга, оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар эса 6,8 фоизга камайгани айниқса эътиборга молик.

Жорий йил давомида юртимизда фаолият кўрсатаётган 9 та скрининг маркази қаторига яна иккита — Урганч ва Навоий шаҳарларида ташкил этилган ана шундай замонавий тиббиёт марказлари ҳам қўшилди.

Очик тан олишимиз керак, ҳозирги кунда пойтахтимиз ёки бошқа катта шаҳарларға бориб, малакали шифокорлар қўригидан ўтиш, керакли тиббий муолажа ва тавсиялар олишға ҳаммамнинг ҳам имконияти етарли эмас. Айниқса, олис ва чекка жойларда яшайдиган аҳоли учун бу жиддий муаммо эканини яхши тушунамиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг март-сентябрь ойларида табиий ша-

роити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлариға «Саломатлик» тиббий-санитар ёрдам поезди юборилиб, 20 мингдан ортиқ киши тиббий қўриқдан ўтказилгани кўчлиқнинг кўнглидаги иш бўлди.

Шулар қаторида ёзги таътил мавсуми давомида Халқ таълими вазирлиги ва Республика касаб уюмлари Федерацияси томонидан 247 минг мақтаб ўқувчиси оромгоҳларда соғломлаштирилгани ҳам айтиб ўтиш ўринли, албатта.

Утган давр мубайнида аҳоли саломатлигини муқтақамлаш учун яна бир ибратли тажриба жорий этилиб, камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, йод танқислиги бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, амалиётға татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли жоиларида қандай ҳавфли юкмили касалликлар тарқалаётганидан, ўйлайманки, ҳаммамнинг хабардорсиз.

Бу масала барчамиздан, биринчи ғалда, медицина ходимларидан доимий сезгирлик ва хушерлиқни талаб қўлади. Ўз вақтида қўрилаётган чора-тадбирлар ва тиббиёт идораларининг сайй-ҳаракатлари натижасида бундай ҳавфли касалликлар бизнинг ҳудудимизға, юртимизға четдан кириб келишининг олдини олишға эришилганини катта мамнуният билан қайд этиш лозим. Мана шундай болан-қазоларни остонамизға йўлатмасликка ҳисса қўшган тиббиёт ходимларига алоҳида миннатдорлик билдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

2005 йилда ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамға мўқтож инсонлар саломатлигини асраш бўйича амалга оширилми келаётган ишларимизни давом эттиришимиз бу масала биз учун устувор аҳамиятға эга эканини кўрсатади.

Мисол учун, хорижлик мутахассислар билан биргаликда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилаларға мансуб 2500 дан зиёд бола атрофлича тиббий қўриқдан ўтказилгани, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда 280 нафар ногирон бола пластик операция қилинганини айтиш мумкин.

Профессионал маҳорат ва катта маблағ талаб қиладиган бундай тадбирлар тўғрисида йўзлаб ота-оналарнинг дарду тавишини энгиллашгани, энг муҳими, бу болаларнинг ўзи ҳаётға янгича кўз, умид ва ишонч билан қарай бошлаганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

«Нуроний» шифохонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил этилиб, унда тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар ўз саломатлигини яхшилаш имконига эга бўлгани ҳам шундай савобли ишлар жумласига кирди.

Мамлакатимизнинг иختисослашган тиббиёт марказларида эса шу тоифадаги беморлардан 15 минг 570 нафари даволангани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2500 нафарға ортгани эътиборға сазовор.

Хусусан, республикаимизнинг урология, хирургия, кўз хирургияси ва кардиология марказларида 2300 дан ортиқ беморға тиббий хизмат кўрсатилди ва бу мақсадларға давлат бюджетидан бир ярим миллиарддан зиёд маблағ сарфланди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Жорий йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қўнуний-ҳуқуқий негизини муқтақамлаш борасида ҳам мубайн ишлар қилинди.

Жумладан, «Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги пайтда тегишли муҳокамалардан ўтказилмоқда. Шунингдек, «Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида»ги, «Дори-ситилари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қўнунларға қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам қўриб чиқилмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» дастурида қўзда тутилган яна бир долзарб масала — аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг қўлама тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Давоми 3-бетда.

ҲАМДА МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Охири. Боши 1-2 бетларда.

Бу борада республика миқёсда турли мавзу ва йўналишларда 80 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, икки жилдан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий теле-радио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар, жумладан, Ўзбекистон телевидениесида «Тўрт қарра йўқ!» номли телемарфони ташкил қилинди.

Бу борада «Сихат-саломатлик йили: мазмун ва моҳият» деган ном остида нашр этилган методик тавсиялар ва мультимедиа дастурлари ҳам аҳолининг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёвандлик ва СПИД каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида зонамоний ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизимидан кенг фойдаланиши йўлга қўйилди.

Айни пайтда қишлоқ жойлардаги қўлпаб маҳаллаларда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом оила тарғибига бағишланган учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ҳаётимиз қондасига айлантириш бўйича қилинаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Йил давомида маҳаллалар, қорхона ва муассасаларда турли мусобақалар, спорт ўйинларининг ўтказилганини биринчи галда юртимизда спортни омалаштиришга берилаётган катта эътибор самараси, деб қабул қилиш лозим.

Бу борада хотин-қизларнинг иштироки ортиб, ўтказилган қўлпаб спорт тадбирларида қарийб уч ярим миллион қизларимиз қатнашгани таъсирга лойиқ, албатта.

Хозирги кунда мамлакатимиз бўйича спорт секцияларига 2 миллион ўқувчи жалб қилинган бўлиб, уларнинг қарийб 40 фоизини қизлар ташкил қилади. Умуман, кейинги пайтда спорт билан шуғулланаётган ўқувчилар сони 20 фоизга ортигани қувонарли ҳолдир.

2005 йил мавбодидида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» халқаро беллашувлари ақнида бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақалар ҳам республикаимиз спорт ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътибор этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Сихат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 нояб-ригача жами 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳаммаи ва қўлимани яққол кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу дастурни амалга оширишда фаол иштирок этган давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг минтақавий бўлимлари, халқаро хайрия тўғрисида, соҳаватли хомийлар, умуман, шу олижаноб ишга ҳисса қўшган эзгу ниятли барча инсонларга ўз номидан, бугун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга изозат бергайсиз.

Бугун «Сихат-саломатлик йили»нинг дастлабки якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, албатта, бу йилга шундай ном берганимиз ва шунинг ҳисобидан катта ишларни бажаришга эришганимиз ҳақида ҳар қанча мамнуният билан гапирсак, арзийди. Биринчи юқорида зикр этилган рақам ва миқдорларнинг ўзидек кўп нарсани аңглатади.

Имкониятдан фойдаланиб, қўлимиздаги яна бир гапни айтишни жоиз, деб биламан. Агарки «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саъй-ҳаракатларимиз лоқал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоқал битта беморнинг шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам, биз 2005 йилга шундай ном беришимиз зарур, шарт эди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Қадри юрдошлар!
Шу ўринда бир савол туғилади: кириб келаётган ҳар қайси аниқ йилга эзгу ният билан маълум бир ном беришда биз қандай асосий мақсадларни кўзда тутишимиз? Аввало, шунга айтиш керакки, бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришда биз ҳам инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор

вазифа деб белгилаб оламиз.

Шунинг учун ҳам ҳар сафар халқимизнинг бу масалага муносабатини атрофлича ўрганиб, кенг таҳлиллар ўтказамиз, шу тўғрисида жиддий бош қотирамиз. Нега деганда, янги йилга ном бериш ва шу асосда мақсуд дастур қабул қилиб, уни амалга ошириш шу юрда яшайдиган барча инсонлар учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир.

Албатта, ана шу йўналишдаги вазифа ва муаммоларни бир йилда тўла ҳал қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин, бутун эътиборимиз, моддий куч ва имкониятларимизни бириштириб, дастурда белгиланган мақсад сари сафарбар этиш ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиб боришда муҳим омили бўлиши шубҳасиз.

Айни вақтда биз ана шу устувор вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбаларини аввал-бошдан аниқ белгилаб олишимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, марказий бюджет маблағлари билан бирга, жойлардаги ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, биринчи галда, фуқаролик институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар, қўлидан амалий иш, амалий кўмак бериш келадиган инсонларни ҳам шу эзгу ишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу борада тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тушуштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш ҳам алоҳида урин тутади.

Муайян ижтимоий йўналишга қаратилган дастурни амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йилда гов бўлиб турган тўқсанларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиш бериш биринчи даражада аҳамият касб этади.

Албатта, бизнинг эзгу ниятларимиз, орзу-хавасларимиз катта бўлиши ва шунга мос равишда янги йилга қандайдир чиройли номлар ҳам бериш мумкин.

Лекин, иш — бошқа, ҳавас — бошқа деганларидек, биз ҳаёвий гаплардан узоқ бўлиб, орзу-хавасларимизнинг амалий томонлари, уларни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим.

Бинобарин, ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз одамларнинг эътиборини жалб қилган, уларнинг кўнгилдан «чукр жой олиб, шу ишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этган тақдирдагина қутилган натижани бериши мумкин.

Мухтарам ватандошлар!
Юқорида зикр этилган эзгу мақсад ва интилишларимиз қай тарихда амалга оширилаётганини яна бир бор ўзимизга аниқ тасаввур қилиш учун ўтган йилларга қандай ном берганимизни эслаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Барчангизга маълумки, 1997 йил юртимизда «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил — «Оила йили», 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди.

Шунингдек, 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил — «Обод маҳалла йили», 2004 йил «Меҳр ва муруват йили», жорий йил эса «Сихат-саломатлик йили» сифатида истиқлолимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Кўриниб турибдики, бу йилларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ.

Ана шу ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилишни тақлиф этмокчиман.

Балки, шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизлар ҳомийлик ва шифокорлик тушунчалари бир-бири билан қандай боғлиқ, деб савол қўйишимиз мумкин.

Шу ҳақда гапирганда, авваламбор, бир фикрга эътиборингизни жалб қилмокчиман. Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамага шифо бериш билан тенг қўйиш ташбихий ҳол.

Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу авваламбор соҳаватли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани.

Менинг фикримча, ҳомийлик ва соҳават деган тушунчаларни бир-бирдан аж-

рашиб бўлмайди. Шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган «Оллоҳ таоло саҳийдр, саҳийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради» деган ҳикматни яна бир бор эслаб ўтмокчиман.

Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эхсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Шунга эътиборингизни яна ва яна бир бор қаратмокчиман.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагиди энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, **ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.**

Муқаддас Қуръони қаримда зикр этилган «Хайри, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган ҳикматли сўзларда қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши аңглаймиз.

Мен баъзан кўп жойларда соҳаватли, олиҳиммат юрдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошқор қилмасанда, болалар уйлари, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга муруват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қоламан.

Бундай савобли ишлар, очиги, ҳаммамиз ҳам қўлидан келвермайди. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиб бўлиши керак.

Шундан келиб чиқадиган бўлса, **соҳаватли ва бегараз хомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг гаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.**

Энг катта бўйлиги жондан азиз боласи, жигарбанди бўлган бечора бир аёл, муштираб онани кўз олдимизга келтирайлик. У кўзининг оқу қораси бўлиши фарзандига шифо талаб, керак бўлса, наҳот сўраб шифокорнинг олдига келади.

Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу болани даволар экан, ўзининг бегараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради.

Ва шу тариха дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоеён этади.

Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгара учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий этиқолига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай этиқод билан яшаётган минг-миглаб жонқуяр шифокорлар — етуқ жарроҳлар, моҳир кардиологлар, терапевт ва педиатрлар, заҳматқан ҳамширалар меҳнат қилмокда.

Кундалик ҳаётимизда, барчамизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизда айнан шундай ўз касбига садоқатли, профессионал тиббий ҳодимларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёб эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, шундай фидойи одамларни қадрлаш, уларнинг машаққатли, оғир ва масъулиятли меҳнатини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга биз етарли эътибор беришимизми? Мана, биз уста пахтакор, галлар, ишчи ёки қурувчиларимиз меҳнатини улуғлаб, уларга қаҳрамонлик унвонларини берамиз, керак бўлса, ҳайкаллар ўрнатамиз. Бу инсонлар шундай юксак иззат-ҳурматга арзийди, албатта.

Аmmo машаққатли меҳнати бошқа соҳа вакилларикидан асло кам бўлмаган шифокорларга — Иби Сино бобомизни ҳисобга олганда — бирорта ҳайкал қўйилганини эслаб оламизми?

Бинобарин, нафақат давлатимиз ва жамиятимиз, балки барчамиз тиббиёт ҳодимлари олдида ҳали қардор эканимизни унутмаслигимизни истардим.

Азиз дўстлар!
Кириб келаётган йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилар эканмиз, биз биринчи галда ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг макеи ва макрими кучай-

тириш, бу масаланинг қонуний базасини яратиш, бундай бегараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантиришни кўзда тутиамиз.

Шу мақсадда ҳомийлар бундай хайри ишларни ўз ҳаётининг узвий бир қисми деб ҳис қилиши учун уларга давлатимиз томонидан ҳуқуқий қафолат ва имтиёзлар яратиш бериш билан бирга, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш учун ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги низомини қабул қилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Айни пайтда бутун халқимиз, авваламбор, ўшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-муруват, соҳават фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлиши бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Сир эмас - бугунги бозор муносабатлари шароитида кимдир ўзининг Худо берган ақл-заковати, куч-қувватини ишга солиб, астойдил меҳнат қилиб яхши яшайпти, кимдир эса ҳали мана шундай мурракаб шароитга тўла мослашиб ололгани йўқ.

Шунингдек, табиятан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур.

Шифокорлар ҳақида гапирар эканмиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ҳодимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз даркор.

Куни кеча шу борада телевидение ва матбуотимизда «Тиббиёт ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарор эълон қилинди.

Бу қарорга биноан 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб тиббиёт ҳодимларининг ойлик тариф сеткасини тақомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишнинг мурракаблиги, билими ва тажрибаси ҳамда ўз касбини адо этишда, одамларни даволашда қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда маош белгилаш ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шундай мезон асосида уларнинг иш ҳақи миқдорини 30 фоизгача ошириш кўзда тутилмокда.

Энди барчамизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган ана шу қарор олдимизга қўйган мақсадларни жойларда ҳаётга тўлиқ таътиқ этишдан иборат. Токи тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонлар — юқори малакали шифокорлардан бошлаб, оддий ҳамшира ва медицина хизматчиларигача бу қарорнинг амалий таъсирини ўз ҳаётида кўрсин.

Хурматли дўстлар, азизлар!

Кириб келаётган янги йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз халқимизнинг эзгу фазилатларига уйғун бўлиб, айни вақтда «Сихат-саломатлик йили»нинг мантқиқ ва узвий давоми бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Албатта, ҳар йилги тажрибаимиздан келиб чиққан ҳолда, биз янги йил бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб оламиз.

Мен бу борада ҳокимият идоралари, вазирилари, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар билан бирга, жамоатчилик вакиллари, умуман, шу эзгу ишга ҳисса қўлишни истайдиган ҳар бир киши ўзининг амалий тақлифи ва фирқ-мулоҳазалари билан фаол иштирок этади, деб умид билдираман.

Агарки, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним; деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинлар, бизни ҳеч қандай куч енга олмайд, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ишончм комилки, ўзининг ўн беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида улкан довларни босиб ўтган, ҳар қандай синов ва машаққатларни енгишга қодир бўлган халқимизнинг буюк иродаси, азму шижоатига таяниб, биз ўз олдимизга қўйган янги ва юксак марраларга албатта етамиз.

Сизларни Конституцияимиз байрами билан яна бир бор қўтлаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу баракат тилайман.

Давоми. Боши 1-бетда.

Бизнинг бундай изчил ва барқарор суръатлар билан олдинга қадам қўяётганимизнинг асосий сабаби ва пойдевори нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий, албатта.

Ўйламанки, биринчи навбатда, бундай амалий ҳаракатларимизнинг асосий омили ва мезонини халқимизнинг, одамларимизнинг сиёсий савияси ўсишида, ўзгариб бораётган дунёқараш, ҳаётга, меҳнатга муносабатида, шу муқаддас юртга эгаллик ҳиссиёти тобора ортиб бораётганида кўришимиз даркор.

Уларнинг негизда мана шу мўтабар заминда яшаб, ўз иши, ўз касбига садоқат қўйиб, самарали меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлиб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг ақл-зако-

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛАДИ

вати, куч-гайрати, билим ва истеъдоди муқассам эканини бугун яна бир бор мамнуният билан эътироф этамиз.

Мамлакатимиз - Ватанимиз тинчлиги ва тараққиётига, юртимизни обод, ҳаётимизни фаровон қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган—бу қайси соҳа ва тармоқ бўлмасин, ундан қатъи назар—бундай фидойий инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва кадрлаш давлатимиз, жамиятимизнинг шарафли вазифаси, бурчидир.

Шу маънода, бугун мана шу мухташам зални тўлдириб ўтирган сиз, азизларни ана шундай ватандошларимизнинг муносиб вакиллари десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди Президентимиз.

Бу ҳақда гапирганда: авваламбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган, ерга доимо қалбини, меҳрини бериб ўшайдиган захматқаш деҳқонларимиз, корхоналаримизда астойдил тер тўкиб меҳнат қилаётган ишчиларимиз вакиллариغا; маънавий ҳаётимиз таянчи бўлган илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат олами фидойилари, ижодкор зиёлиларимиз намояндаларига; Ватанимиз мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраш, тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлашнинг мустаҳкам ва ишончли гарови бўлмиш ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ходимларига; жаҳон майдонларида юртимиз шухратини бутун дунёга тараннум этаётган спортчи ўғил-қизларимизга - барча-барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун яна бир бор Ватанимиз, бутун халқимиз номидан чин қалбимдан миннатдорлик билдириш, раҳмат айтишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан, деди Ислоҳ Каримов.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, кунги кеча, бугун жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширилган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг ақин кадрдонларим каби ғойибона бағримга босиб, самимий табриклияман.

Шундан сўнг Юртобшимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Барчангизга ярашиб турган, эл-юртимизнинг ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган мана шу унвон, ордон ва медаллар сизларга буюрсин, янги ва юксак марралар сари руҳлантирсин. Хаммангизга тинчлик-омонлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилаяман, - деди Президентимиз Ислоҳ Каримов.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Агитай Адилов, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Шавкат Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ойдин Анорова, «Жасорат» медали нишондори Авазбек Тожибоев, «Меҳнат шухрати» ордени совридорлари Ирина Павловская, Файзулла Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашни, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидлашди. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик

палатасига

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ишчи гуруҳи аъзолари, экспертлар ва мутахассислар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Мазкур кўмита раиси Х.Дўстмухамедов бошқарган йиғилишда «Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Йиғилишда қонуннинг мақсади оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг ташкил этилиши, фаолият юритиши ва фаолиятини тўхтатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат экани таъкидланди.

Муҳокама жараёнида лойиҳанинг оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлатнинг оммавий ахборот воситалари иқтисодий асосларини мустаҳкамлашдаги иштироки, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш принциплари, тахририятнинг тадбиркорлик фаолияти ва уни молиялаштириш манбалари, оммавий ахборот воситаларига ажратиладиган дотациялар ва имтиёزلарга оид моддалари устида қизгин баҳс ва мунозаралар бўлди.

Кўмита аъзолари лойиҳа юзасида билдирилган тақдир ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда уни асосан маъқулладилар.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири**



Ярмаркалар

УЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Халқимиз дастурхонини ўзларининг ажойиб таомлари ва турли хилдаги пишиқлари билан тўлдириб тўю тантаналарда бош-қош бўлган ўзбек пазандалари меҳнатларига баҳо бериш ва улардан баҳраманд бўлиш мақсадида Конституция кўни муносабати билан шаҳримизда яна бир пазандачилик ва қандолат маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти ташаббуси билан ўтказилган ушбу ярмаркада шаҳримизнинг 11 та туманидан ошпазлар, қандолатчилар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

— Умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш корхоналари жалб этилган ушбу кўргазма аънавий тарзда ўтказилиб келинар эди. Аммо кейинги йилларда у ўз давомийлигини йўқотганди. Эндиликда ушбу пазандачилик ва қандолатчилик кўргазмасини ҳар йили ўтказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, — дейди жумладан шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг бош мутахассиси Фарид Толипова.

— Ушбу ярмаркадан асосий мақсад пазандаларимиз маҳоратларини халққа намойиш этиш, унутилаётган аънаваларни қайта тиклаш ва пазандаларнинг ўзаро тақриба алмашишларига кўмаклашишдир.

Кўргазмаларни қузатар эканмиш Шайхонтоҳур тумани пазандаларининг меҳнати эътиборимизни тортди. Айниқса туманда жойлашган «Камолон» қаҳвахонаси пазандалари томонидан тақдим этилган 50 хилдан ортиқ маҳсулотлар ўзининг безалиш шакли, ташки қўрилиши, ажойиб таъми билан кўпчилигининг эътиборини тортди.

Шунингдек, кўргазмадан ўрин олган Мирзо Улугбек туманидаги «Golden Hill» ресто-

ранинг таъйёрлаган таом ва «арт-класс» номинацияларга ўзининг бадийлиги билан атрафдагилар диққатига сазовор бўлди.

—Кўргазмада 40 хилдан ортиқ пазандачилик маҳсулотларини намойиш қилмоқдамиз, — дейди «Golden Hill» ресторани бош ошпази Абдусаттор Самадов. — Бу кўриб турганингиз «арт-класс» номинацияси асосан турли хилдаги сазавотлардан тайёрланган бўлиб, чиройли қўрилиши, таъми билан ҳар бир хўранданнинг иштаҳасини очади.

Шу ўринда Учтепа тумани пазандаларининг меҳнатларини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Кўргазмада иштирок этган тумандаги «Минг ўрик», «Корвет», «Ширинабон» қаҳвахоналари пазандалари томонидан тайёрланган балиқли таомлар, ярим тайёр истеъмол маҳсулотлари ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Кун мобайнида шаҳримиз аҳолисига хизмат қилган ушбу кўргазма маҳсулотларига харидорларнинг қизиқиши соат сайин кучайди.

**Орзулук РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.**



ри, «Арзаанда» қаҳвахонаси ошпазларининг таъйёрлаган таом ва «арт-класс» номинацияларга ўзининг бадийлиги билан атрафдагилар диққатига сазовор бўлди.

Мансуб миниатюралар намойиш этилди. Экспозициядан ўрин олган «Қора кўзим», «Баҳор», «Лайли ва Мажнун» каби қоғозга, чарм ва газламага ишланган ми-

ниатюралар тасвирий санъат илҳосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма меҳмонлари бундай тадбирларнинг ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўишини қайд этишлари баробарида мисрликлар Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ва қадриятларига катта қизиқиш билан қарагини алоҳида таъкидлашди.

«Жаҳон» АА

МИСРДА ЎЗБЕК МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ НАМОЙИШИ

Миср Араб Республикаси пойтахтидаги Хелвон университетиде ўзбек миниатюра санъати асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. У маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битим доирасида ташкил этилди.

Мазкур кўргазма Мисрдаги Хелвон университети ҳамда Ўзбекистоннинг Камолуддин Бехзод номидаги Рассомчилик ва дизайн институти ўртасида ўрнатилган ўзаро

ҳамкорлиқнинг амалий қўрилиши бўлди.

Кўргазмада Рассомчилик ва дизайн институти магистранти, ёш мўйқалам соҳиб Б.Ҳожимов ижодига

Мустақиллик туфайли биз халқимизнинг руҳига мос Конституциямизга, давлат тилимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эга бўлди. Утган киска ва ниҳоятда сермазмун давр мобайнида иқтисодиётда, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Хар жаҳида асрларга таътигулик ижобий натижаларга эришдик. Жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқдамиз, иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзбек халқининг инсонпарварлик ва адолат, эркинлик ва тенглик, мустақил ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳамда миллий давлатчилик ҳақидаги кўп асрлик орзу ва умидлари муассас бўлган ҳужжат дейиш мумкин.

Биз ўз Конституциямиз билан ғурурланишимиз лозим. Чунки унинг нормаларида инсон ҳуқуқи, давлат суверенитети ғоялари, ҳозирги ва келажак авлод олдигади юксак масъуляти эътироф этилади.

Конституциянинг қабул қилиниши ва унда ифодаланган тамойилларнинг қонунчилик йўли билан амалга ошира борилиши билан мамлакатимизнинг демократия ва тараққиёт йўлидан жадал ривож топишига барча шарт-шароитлар яратилди. Асосий Қомусимиз янги ижтимоий-

сиёсий тузумимиз ва ўз миллий давлатчилигимизнинг ишончли базасини яратди берди. Конституциямиз навқирон республикамизнинг мақсад ва вазифаларини қонуний мустаҳкамлади, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларнинг ортага қайтмаслигини таъминлади.

БҮЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мана, ўн уч йилдирки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амал қилиб келмоқда. Фақатгина амал қилмай, балки Турон заминдаги энг қадимий ўлкалардан бири ҳисобланган мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб келмоқда.

Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Бош Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно ва мазмунини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Ана шу Фармойишдан келиб чиққан ҳолда Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчилари ва ўқув юрти маъмурияти ўқитувчи ва ходимлар ҳамда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик масалаларини янада юқори кўтариш-

га ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, коллежда «Сиз Конституцияни биласизми?», «Конституция бизга нима берди?», «Истиклол алифбоси» мавзуларида Чилонзор туман адлия ҳамда прокуратура идоралари ходимлари, таълиқ юристлар билан тез-тез учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Айниқса ўқувчилар ўртасида ташкиллаштирилган «Мен Конституцияни ўрганаман» мавзuidaги иншо-лар танлови яхши самара бермоқда.

Бундан ташқари коллеж маъмурияти ҳар йили Конституция куну арафасида ўқув юрти ўқитувчи-ходимлари ҳамда ўқувчилар учун пойтахт театрларининг мухташам залда таниқли юрист, ички ишлар, прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги ходимлари ва эл ардоғидаги санъат усталари иштирокида байрам тантанасини нишонлаб келмоқда. Бу йил ҳам ана шундай тадбир Муқимий номидаги мусикали драма театрида бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз юртимиз узра ўзининг бўйбастини баралла кўрсатиб, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг кафолати сифатида одимламоқда.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлими масъул ходими

Бизнинг Конституциямиз демократик конституция бўлиб, тарихда сигнал умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида муассас этган Бош ҳужжатдир.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ РАМЗИ

Шунинг учун ҳам Бош Қомусимиз қабул қилинган кун катта тантана билан нишонланади. Корхона, ташкилот ва ўқув юртларида учрашувлар, давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказилади.

Мана шундай учрашувлардан бири «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкда ҳам бўлиб ўтди. Банк жамоаси, шахар ва туман филиали, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган даврада Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унинг барчамиз орзу қилган адолатли, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятига эришиш учун қандай хусусиятларга эга бўлиш ҳақида сабоқ берувчи улуг дорилфунун эканлиги ҳақида сўз борди.

Хусусан, ушбу тадбирни кириш сўзи билан оған «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки бошқаруви раиси Равшан Шораҳбаров Конституциясини қабул қилингандан сўнг утган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларда катта ўзгаришлар бўлганини, адолатли жамият қуришининг мустаҳкам асоси яратилганини, Бош қонунимиз асосида мамлакатимиз ривож-

га ҳар томонлама ҳисса қўшадиган кўлаб қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуманда Тошкент Молия институту доценти Клара Нарвўзова, иқтисод фанлари доктори, профессор Шомансур Шохъазамий, банкинг «Маънавият ва маърифат» масаласи бўйича бош мутахассиси Шохид Маълумовларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати бўлган Асосий Қомусимиз ҳақидаги фикр-мулохазалари тинланди.

Шунингдек, ушбу анжуманда давлатимиз раҳбарининг яқинда чоп этилган «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида»ги китобининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Маълумки, банк тизими молия пул-кредит соҳасидаги асосий бўгин ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу китобнинг аҳамияти ҳақида сўзга чиққанлар мазкур асар тизимнинг янада ривожланишига пойдевор яратишини таъкидлаб ўтдилар.

Шохид МАХМУДОВА,
Хасан ФАТТОХОВ

УЗОҚ ВАҚТ ЁДДА ҚОЛАДИ

Бош Қомусимиз таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий билимларнинг алифбосидир. Мустақиллик йилларидаги бутун туб демократик ўзгаришлар Конституция негизда кечди ва кечмоқда.

Конституциямиз қабул қилинган сана муносабати билан жойларда қатор тадбирлар, учрашу ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва «Журналист аёллар клуби»нинг навбатдаги анжумани ҳам «Конституция ва аёл» деб номланди.

Анжуманга йиғилган фан арбоблари, ёзувчию шоира, олим тарихчи, журналист аёллар Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятига яна бир қарра назар солдилар. Хусусан, тадбирда сўз олган Нишозини номидаги Педагогика университети профессори Омина Каримова Конституцияимизнинг ҳар бир моддасида умуминсоний қадриятларга содиқлик, жамки дунёвий неъматлар орасида энг улуги инсондир, деган фалсафий фикр ётганлиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати кафолатлаб қўйилгани бооблари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек кутлуг қунлар арафасида ўтаётган анжуманининг яна бир ўзига хос томони шунда будкиди узоқ йиллар давомида матбуот соҳасида меҳнат қилиб, муборак ёшга етган фахрий журналист аёлларнинг таваллуд айёмлари ҳам тантанали нишонланди.

Яйра Саъдуллаева, Зухра Аъзамхўжаева, Санъат Махмудова, Холтош Усмонова, Махмуда Саъдуллаева каби ўн нафардан ортиқ фидойий аёлларни эл ардоғидаги санъаткор Олмадон Хайитова бошчилигидаги бир ғурух хонанда ва созандалар ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан муборакбод этдилар.

Жуда сермазмун, таассуротларга бой ўтган ушбу кеча йиғилганлар қалбида узоқ вақт ёдда қолади.

Шоира МУҲАМЕДОВА



● Тошкентдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги ҳамда Халқаро инсон ҳуқуқлари кунига бағишланган «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари: ютуқлар, муаммолар ва истикбол» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.


● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида иқтисодий очор, зарар кўриб ишлаётган айрим корхоналарни тугатиш бўйича ҳудудий дастурнинг бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб Нукус шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида 3 минг 200 метрга югуриш бўйича эстафета мусобақаси ўтказилди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлида ўтказилган «Келажак овози» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи якунланди.

● Бухоро вилоятида ҳар ойда ўтказиб келинаётган анъанавий маънавият ва маърифат ўқувининг навбатдаги тадбири «Конституция — мустақилликнинг ҳуқуқий пойдевори» мавзuida бағишланди.

● «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилотининг махсус поезди Хоразм вилоятига умумий қиймати 40 миллион сўмдан ортиқ бўлган муривват ёрдамни етказди.



● Канаданиннг Монреал шаҳрида иқлим муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда 190 мамлакатдан сиёсат ва жамоат арбоблари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Анжуманда табиий иқлим шароитининг бузилишига олиб келадиган омилларни кайта-риш зарурати йамлан-йилга ошиб бораётгани, шунга қарамай, айрим давлатлар муаммога бевътибор қолаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

● Эрон расмийлари мамлакатнинг жанубий-ғарбий вилояти — Хузистонда янги атом электр станциясини қуришни режалаштирмоқда.

● Британия полицияси Вустершир графлигида халқаро террорчилик фаолиятида иштирок этганликда гумон билан ўз кишини ҳибсга олди.

● Хитой пойтахти Пекин шаҳри яқинида йўловчи автобусининг қимбўйи моддалар ортилган юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида 24 киши ҳаётдан кўз юмди ва 9 киши тан жароҳатларини олди.

Анжуманлар

АСОСИЙ ҚОНУН ВА ҚАДРИЯТЛАР

Халқимизнинг миллий қадриятлари, хоҳиш-иродаси ва руҳиятини ўзида муассас этган Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунга 13 йил тўлиши муносабати билан Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Конституция ва миллий қадриятларимиз» мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Конституцияимизнинг юртимизда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати, тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилигини кафолатловчи муҳим ҳужжат экани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда сўз олган Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари Қуддус Аъзамов, Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Қаҳрамон Қуранбоев, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Нematилла Абдуллаев, Тошкент шаҳар «Оила» маркази раиси Гулнора Йўлчиевалар Асосий Қомусимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тажрибани умумлаштириш, тарихимизнинг бой меросини ўзлаштириш асосида яратилган халқий ҳужжат экани, шунингдек усиб келаятган ёшларни бой маданий мерос, умрбоқий анъаналар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ҳисса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Сермазмун ва қизиқарли фикр-мулохазаларга бой тарзда ўтган ушбу тадбирдан йиғилганлар ўзларига керакли маълумотларни олдилар десак хато бўлмади.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Байт:
Замона охир бўладиган вақт келди,
Йўқлик селоби бошга чиқадиган бўлди.
Шундай вақт келдики, бу тўрт ҳаммол
Ой ва йил тахтиравонни ерга қўядиган бўлди.
Шундай вақт келдики, юлдашларнинг уловлари
Тақаларини ҳам, туёқларини ҳам улоқтирадиган бўлдилар.

У тонгда бу кичик оламдан маъшар тонгининг ноласи кўтарилди, амиру вазир ва катта кичикнинг йиғи ва оху фиғонлари кайвон конуларининг кулоғига зирак бўлди ва фиғону нолалар овози зангори осмон тепасидан ўтди.

У кунлар киш фасли ва қор-ёмғир мавсуми бўлиб, оламни иситувчи офтоб булут пардасидан ўз жаҳонро юзини кўрсатмас, булут эса мотамзадалар янглиғ тинимсиз ёш тўқар, чақмоқ момақалдиор қуйиб ўртанар эди.

Хазрат ҳоқони савид бу дахшатли воқеа содир бўлган Боғи Сафидга келди ва "Биз Оллоҳга тегишлимиз ва унга қайтамыз" деган муқаддас оятни га-вар сочувчи тилидан дурсидат ўтказди ҳамда барчага равшан шариат қоидаси бўйича мурдан ювдириб қафанлатишга киришди, либос ўзгартиришга Хумоно бошига қўйгани тўз жундан тўқилган кийимдан бошқа бирор нарсани алмаштиришга ружаст бермади. Мағфиратга кўмилигүр наъшани мукаммал тайёр қилин-гач, Боғи Сафиднинг ўзидан жаноза ўқилди-да, онҳазрат бодга қолиб, улуг амирлар ва замона шарифлари тобутни кўтардилар.

Уша вақтларда Хуросон мамлакатни, хусусан доруссалтана Ҳирот шу қадар маъмур эдики, бундан зиёда бўлиши гумон ойнасида ҳам су-рат кўрсатмас эди. Боғи Сафиднинг ташкари-сидан тортиб то шаҳзодани дафн қилишга қарор берилган Гавҳаршод оқа мадрасасига чангайил-ган одам шу даража зич эдики, бундан илгари ҳечбир замонда бундай йиғини кўрсатиб бўлма-ган. Барча хосу ом либосларини ўзгартириб бошларига қора боғладилар ва бутун йил оху фиғон дудидан ҳам қора либослар рангидан хижрон кечасидек қоронгу бўлди. Шаҳзоданинг тобутини тахтиравонга қўйиб улугворлар ва тўла ҳашамат билан Гавҳаршод мадрасаси ва у ерда-ғи олай гумбазга элтдилар ҳамда ганж янглиғ қора тупроққа топширдилар. Байт:

Сен бу тупроқдан ибрат олгин,
чуқни унинг тагида
Барча шохлар ичидан ягона
бўлган шаҳзода ётибди.

САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗ
САККИЗИНЧИ
(1434-1435)
ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ
ДОРУССАЛТАНА ҲИРОТ ВА
УНИНГ БУЛУКЛАРИДА ВОҚЕ
БЎЛГАН ВАБО ВА ТОУН
ЗИКРИ. ТАНГРИ БИЗНИ
УЛАРИНИНГ ҲАР ИККИСИДАН
САҚЛАСИНИ!

Обу ҳавонинг тоза ва мулоимлиги ва бо-шқа ободончилик омилларининг муҳайиғи билан доруссалтана Ҳирот жаҳон шаҳрларидан мумтоз ва мустаносидир. У тўртинчи иқлим-нинг ўртасида, қарийб марказда жойлашган. Чунони пешқадамларнинг китобларидан маълумки, бу шаҳрда ҳеч маҳал вабо, тоун ва фавкуллода қирғинлар содир бўлган эмас. Бу йили эса қудрат эгаси ҳазрат тангрининг иро-дти билан шаҳр ва унинг булуқларида ум-вий вабо ва тоун касали шу қадар кўржинчи воқе бўлдики, унинг шарҳи қаламга олиб ёзиш имконидан таш-қаридир.

Жумод ал-ухро /2-30 январ 1435/ ва ражаб /31 январ- 1 март 1435/ ойларида бу иллат шаҳр ва булуқларда пайдо бўлишга бошладди. Халойиқ бунга ўқшаш иллатни ҳеч маҳал кўрмаган ва илгаригилардан эшитмаган бўлганликларидан ожиз ва ҳайрон бўлиб қол-дилар ва мараз ҳам кундан кунга кўпайиб бе-раберди. Бирор кишининг тўсатдан боши оғриб, қуйдирувчи иситмага учрайди, баданида бир нўҳатдек ё ундан кичикроқ ёки катгароқ бир донга пайдо бўлади-ю бир-икки кундан кейин тангри раҳмати ҳузурига етишадди. Каттаю кич-кё аҳолидан кўплари ватанин тарк этишни ихтиёр қилиб, атроф-четларга чиқиб кетдилар ва уларнинг кўплари саломат қайтиб келди-лар.

Бу иллат шаббон /2-30 март 1435/ ва ра-

мазон /31 март-29 апрель/ ойларида тугён қилиб, шаввол /30 апрель-28 май 1435 ва зу-л-қайда /29 май-27 июнь 1435/ ойларида шу даражага етдики, шаҳр-да ва булуқларда, ай-тишларига кўра, бир кунда ўн минг одам шу иллат туфайли дунёдан ўтди: жавобгарлик нақл қилувчининг гарданига. Айтадиларки, бир шаҳ-рда ҳисоблаганларида, ҳаммоллар тобутусиз кўтариб чиқанларидан ташқари, етти юз то-бутни дарвозадан олиб чиқанлар. Кўп жасад-ларни уловларга оқлаб шаҳрдан олиб чиқан-лар ва чуқурликларга ташлаб; устидан тупроқ тортиб беркитганлар, шунингдек шаҳрининг ўзидан ҳам шу навда дафн қилганлар. Булуқ-ларда эса бу ҳолат ҳам кўп тарқалганлиги, ҳам қурбонлар адади жиҳатидан шаҳрга нисбатан зиёда бўлган. Икки тилли қалам бу воқеа та-сифида қанчалик жидду жаҳд кўрсатмасин, охири у ўзининг ожизлик ва нотавонлигини тан олади. Яхшиси шуки, бу иллат туфайли жаҳон билан видолашган бир ғуруҳ машҳур кишилар

ашула ва торда даврон саромади ва нақшу санъатда тенгсиз бўлган Хожа Абдулқодир ғўянда ажал йўлидан жўнади. Айтишларига қара-нда, Султон Аҳмад Бағдодий замонда Хожа Рузвоншоҳ мусиқий фанида ўз ҳамкасблари ва улуглар орасида мумтоз эди. Хожа Абдулқ-одир эса ёш йигит бўлиб, бу фанга энди қадам қўйиб келаятган эди. Хожа Рузвоншоҳ бир на-вабат тузган бўлиб, у ўн икки мақом, йигирма тўрт тушба ва шу бобда ҳисобга қирадиган бошқа усул ҳам фурув ва қолган нағмалар ҳам нақаротлардан иборат эди ҳамда Хожа Руз-воншоҳ тартибга келтиргани бу навбат билан фахрлиб юрар эди. Хожа Абдулқодир эса ўттиз кун давомида ҳар кун битта навбат ту-заман, деб даъво қилди. Рамазон ойи яқинлаб қолган эди, Султон Аҳмад Бағдодий "мажлис надиملари арабий шеър ва форсий назм их-тиёр қилиядилар, ҳар кун биттадан навбат тузиб, аргага етказиб турсин", деб буюрди, Хожа Абдулқодир ўттиз кун рамазон давомида ҳар кун биттадан мукам-мал навбат тузиб, ар-гага етказиб борди ва охири ҳамма ўттиз на-вбатни батариб ижро этди, мусиқий фани-нинг барча маш-ҳур ки-шиларини, хусусан Хожа Рузвоншоҳни ҳай-ронликда қолдирди. Султон унга нисбатан кўп эҳсонлар қилди ва ҳамма вақт унга "ёри азиз" деб хитоб қилиб юрди. Қиссана ана шун-дай. Хожа Абдулқодир ҳам, байт:-

Бир неча дами ҳисоблади-ю,
йўқ бўлди,
Фалак кулгу билан: "у ҳам бўлсин"
деб айтди.

Алқисса, Ҳирот шаҳри ва булуқлардаги оғир аҳвол хабари ҳам вабо ва тоун ҳамда ҳадду ҳисобдан ортиқ қирғин шарҳи ҳумоюн ўрдуға етган, ҳазрат ҳоқони савид вилоятда юз бер-ган харобалик, райятининг, хусусан ақобиллар-нинг қирғинга учрагани борасида ниҳоятда қай-ғурди ҳамда лашкар аҳли хотирида паршон-лик юз бермасин, деган мақсадда, "Хуросон томондан келган ёзишмаларни бирон киши ҳам очмасин, боғланган ҳолича келтириб, ҳазрат /Шоҳрух/ нинг тайинлаган ишончи кишилари-га топширсинлар" деб ҳукм қилди. Ана шу ҳўк-мга асосан амал қилдилар.

САККИЗ ЮЗ ҚИРК
БИРИНЧИ (1437-1438)
ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ
МИРЗО СУЛТОН МАСЪУД ИБН
МИРЗО СУЮРФАТМИШНИНГ
УЙЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат ҳоқони савид ўз азиз авлодини уй-лантриш, бириктириш, ўзаро муносабатла-рини яхшилаш ва интизомда сақлашга ҳам-миса зўр саъй-ҳаракат кўрсатар ҳамда шу-ратли авлодини доимо уйланиб оила қуришга тарғиб қилар эди. Шу йили мирзо Масъуд ибн мирзо Суюрғатмиш ибн ҳазрат ҳоқони савид ифрат пардаси паноҳида бўлиши мирзо Бой-сунгурнинг фарзанди Оиша бекани ҳақ дин-нинг кўргазмасию бахт-саодатдан дарак бе-рувчи қондалар шарҳига мувофиқ тарзда ўз никоҳига қиритди. Замон Билқисси ҳам дав-рон Кайдофаси бўлиши маҳди улё Гавҳар-шод оқа Чин суратхонасининг рашқини кел-тирувчи жаннатсифат базм ташкил этиб, зий-натлади. Салтанат осмонининг Зухра /юлду-зи/ ни иззат тахтига ўтказиб, унинг моҳи то-бон янглиғ юзидан пардани туширдилар ва саодат осмонининг Муштарийси назарига ба-ғоят гўзал тарзда безантриш кўрсатдилар. Хуррамлик ва сурур мажлисию ишрат ва ҳузур базми ташкил топиб оройишга келгач, ҳар икки шаҳзодани уларнинг ором олиб яшаш ичун муҳайё қилинган бир қасрга эъзоъ-ик-ромлар билан олиб кирдилар ҳамда эзгу бахт саодатидан ана шу бурж /қаср/да у икки ола-ми нурга кўмувчи ёритқичнинг бир-бирига қўшилиши воқе бўлди. Гоҳо киз мулк узуги янглиғ шаҳзоданинг бармоғини юз ноз билан тўса қилар, гоҳо шаҳзода минглаб илтижо билан қизнинг нозик оёғига халхал янглиғ йиқилар, гоҳо улар худди ёқадек бир-бирла-рининг бўйинларига қўл ташлашар, гоҳо худ-ди этақдек бир-бирлари оёғига бош қўйшар эди. Бахт шохининг ҳумо қўши қомронлиқ ҳаво-сида учар, айш-ишратнинг лиммо-лим қадаҳи тириклик базмида айланар, уларнинг кўзлари бир-бирларининг лола руҳсорлари ақсидан ло-лассимон бўлиб, оғизлари бир-бирларининг номларини аташдан оби ҳайвон чашмасига айланган, бирининг тўлин ой нурига боқиш-дан ихтиёри қўлдан кетгану, иккинчиси ёрқин қўш томошонидан маст бўлган.

Форсчадан АСОМИДНИ УРИНБОЕВ
таржимаси.

Давоми бор.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИЧ
ДОМО БЎЛГҮ...

● **ХИКОЯТ:** Бир киши ўз-ўзидан газабланиб, мени шунчалар ҳақорат қилдики, охири чарчаб, бир бурчакка борди-да, жимги-на ўтириб қолди.

ҚИТЪА:
Эшак наъра
тортиб, ханграган
замон

Кулоқни тешиб
дер ёқимсиз "сози".
Бир оз сабр
қилиб ўтирсанг агар,
Ўз-ўзидан тингай
эшак овози!

Дўстларимдан бири мени маломат қилиб: «Нега у аблаҳга ҳеч нарса дема-динг?» деб сўради. Мен унга: «Дўстлар ҳурмати учун шундай қилдим, де-дим. Чунки ҳеч бир сабаб-сиз ҳақорат қилишга ки-ришган кимсага қарши га-пирсанг, шاپалоқ уриши ҳеч гап эмас. Шапалоғига жавоб қайтарсанг, калтак кўтарайди. Сен кўтарган кал-такка қарши тош билан ура-ди. Кўрибсанки, катта хан-гома пайдо бўлади. Орага дўстлар аралашади. Аммо маълумки, даъвогар бир томондан зарба еса, орага тушувчи икки томондан ейди. Шунинг учун танҳо ғам чекай ва танҳо ранж тортинлар».

ҚИТЪА:
Ҳақорат
қилсаки оғзингни
юмсанг,

Яна ўзга
ҳақорат ёғмас асло.
Отар шартта
бурунгидан ҳам авло!

Оқилда ҳам, жоҳилда ҳам икки кулоқ бор. Бир-бир-овининг сўзи бир кулоқдан кириб, иккинчи кулоқдан чиқиб кетмоғи керак. Агар аксинча бўлиб, бир кулоқ-дан кириб, иккинчисидан ўрнашиб қолганди эди, оқил—жоҳилга, жоҳил эса оқилга айланган бўлар эди.

● **Ҳақимлар айтади-**ларки, ҳар бир галаба на-жот боисидир. Аммо, зулм борасидаги ғолиблик мағ-лулларни нишонидир.

ҚИТЪА:
Зулм ўтин ўчирмасанг
сен ушбу кун,
Эртага мазлум
қўли яқсон қилур!..

● **ХИКОЯТ:** Бир бечо-радан сўрадилар: «Қаерда ухлайсан?» У деди: «Қаер-да қоронги тўша, ўша ерда!»

ҚИТЪА:
Ҳар кишининг
болиши хордан,
тўшак ердан зарур,
Қайси ерда бўлса
жойдан ғам чекиб,
ҳайрон эмас.

Бой киши
қўрққай ўлимдан
ҳовли-жойнинг
ғамидан,
Камбағал бу дард
билан кўнгли
қуйиб, гирён эмас.

Маълум

**ИҚТИДОРЛАРИНИ
НАМОЙИШ ЭТИШДИ**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда барча соҳалар каби таълим соҳасида ҳам кенг ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса хорижий тилларни ўрганишга катта аҳамият қаратилаётгани ва бу борада ўсиб келаётган авлодга барча шарт-шароитлар ва имкониятлар очиб берилаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Зеро, мамлакатимиз дунёга юз тутаётган экан, унинг нуфузи халқаро майдонда янада ошиши эртанги кунимиз ва умидимиз - ёшларга боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга қодир дадил, мустақил фикрловчи, тафаккури кенг, мукаммал билимга эга ва шу билан бирга инсоний фазилатлари билан ҳам барқ уриб камолот сари интилувчан ёш кадрларини тайёрлаш масалалари долзарб бўлиб қолаётгани бежиз эмас.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети сай-ҳаракати билан ташкил этилган «Тиллар байрами» ҳам шу мақсадларни қўлга олишда талабаларнинг хорижий тилларга бўлган интилишларини намойиш этди.

Байрам кечаси бевосита журналистика факультетининг биринчи ва иккинчи босқич талабалари томонидан рус ва инглиз тилларида олиб борилди. Ўқувчи ёшлар таниқли адиблар, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сахна кўринишлари, қизиқarli савол-жавоблар орқали чиқишлар қилдилар.

— Халқимизга хос илмга ташналик, зукколик ва маънавий гўзаллик каби тушунчаларни ёшларимизда кўриб, бағоят хурсанд бўлдим, — дейди рус тили ўқитувчиси Светлана Тен. — Мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, осийишта ҳаёт ҳукронлиги ва ҳар бир гўшамиз ободлиги туфайли ёшларимиз бугунги кунда хориж мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртрадида тахсил олишга муваффақ бўлмоқдалар. Албатта, бундай имкониятлар фарзандларимизнинг чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжини оширмоқда. Биз, устозлар эса, зиммамизда катта масъулият борлигини яхши тушунамиз ва талабаларга ёрдам беришга тайёрмиз.

Тадбир якунида чет тиллари кафедрасидан таъриф буорган педагоглар талабаларнинг билим ва имкониятларини ўзинга ҳам тарзда намойиш этганларини юқори баҳолаб, уларга омад тиллардилар.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети биринчи босқич талабаси

Куни кеча Ҳамза туманида жойлашган «Ал-Авлод» қаҳвахонасига таклиф этилган 300 дан ортиқ ногирон, кекса, кўмакка муҳтож инсонларнинг меҳрдан, эътибордан бир олам кувончга тўлганлари, кўнгилларида меҳр-оқибат кўёши чарақлагани ҳам жамиятимизда ёрдамга муҳтож кишиларга муруват кўрсатиб келинаётганидан далолатдир.



Мурувват

МЕҲР-ОҚИБАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Чиройли байрам дастурхони атрофида жамулам бўлиб дилдан суҳбат кураётган, бир-бирининг ҳол-аҳволидан хабар олиб диллашаётган катта-кичикни кўрганда беихтиёр савобли юмушларга бош қўшаётган бағри кенг инсонларга омаднинг эанада кулсин, савобли юмушлардан нарчаманг, ҳаммаша элу юрт назаридо бўлинг, деб тақрор айтгимиз келди.

— Халқимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимиз, атрофдагиларнинг ноёб инсоний фазилатларини камол топтириш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга қақриш миллилатимизга хос фазилат, — дейди биз билан суҳбатда «Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш» уюшмаси раҳбари Озода опа Алиямова. — Меҳр-муруват тушунчалари жамиятимизда аҳиллик, тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди. Туманимизда истиқомат қилаётган тадбиркорлар қачон, қандай тадбир ўтказишимиздан қатъи назар ҳаммаша қўллаб-қувватлайдилар, маҳалларимиздаги ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериб, савобли юмушларга беимнат бош қўшадилар.



қошидаги «Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш» уюшмаси ҳамда «Нажот йўли» ногиронлар жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Нилуфар Раҳматова, Гули Асалхўжаева каби эл суйган санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага файз киритдилар.

— Кўнгли кемтик инсонларнинг кувончини, шодлигини кўришнинг ўзини катта бахт деб биламан, — дейди тадбир ташкилотчиси, «Нажот йўли» ногиронлар жамоат бирлашмаси бошқаруви раиси Бахтиёр Шарипов. — Бирлашма миз

2003 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлса ҳозирда 7 та ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шўба корхоналари очилган. Мақсадимиз аҳолини, айниқса ногиронларни ўзларига муносиб иш билан таъминлаш, тенгқурлари қатори яхши меҳнат қилиб, дам олишлари, моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлишлари учун шарт-шароит яратишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН
БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛГАН ҲАМДА УЛАРГА НИСБАТАН ТУГАТИШГА ДОИР ИШЛАР
БОШЛАНГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ**

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси	Тугатиш бошқарувчиси		
1	MEDIA TV	МЧЖ	204629932	29.07.2003	1224	19141855	10-0517/11484	25.11.2005	Исмоилов Х.ХААГ.
2	NUR IMON	МЧЖ	204134949	20.08.2002	1002 (483)	18657746	10-0517/11485	25.11.2005	Алимов А.
3	AVIANET	ХФ	203686832	06.01.2004	03-000129	18190372	10-0517/11486	25.11.2005	Шамсутдинов Ш.
4	MIKROLAB-BIZNES	МЧЖ	205428668	11.02.2005	000777-03	20000806	10-0517/11487	25.11.2005	Ишанходжаев Р.
5	PRODEXPORT	МЧЖ	204382879	12.05.2003	888	18879783	10-0517/11488	25.11.2005	Алимов А.
6	ZIYO-TRADE	МЧЖ	205221357	13.09.2004	000520-03	19780213	10-0517/11489	25.11.2005	Шомахмудов Б.
7	OMAD QURILISH	МЧЖ	202794944	11.02.1999	297	17283404	10-0517/11490	25.11.2005	Карабаев А.
8	O'ZTMIROYO'LQURILISH (УЮШМА)	У	203530741	15.02.2001	1369	17986471	10-0517/11491	25.11.2005	Зуриева Н.А.
9	AZIZ-JAHON SERVIS	МЧЖ	205329893	10.01.2005	000720-03	19855879	10-0517/11492	25.11.2005	Юсуфов М.
10	FAXRIY-YORLIQ	ХК	205229013	23.09.2004	000542-03	19780897	10-0517/11493	25.11.2005	Исмоилов Х.
11	ADLER TRADE	ХК	205293410	06.12.2004	000678-03	19853645	10-0517/11494	25.11.2005	Камбаров Б.(ИХ)
12	ANSEV-SENTRUM	МЧЖ	205373746	31.01.2005	000748-03	19881658	10-0517/11709	25.11.2005	Мажмамов Б.(ШБ)
13	ALFAR-SERVIS	ХФ	204528274	01.05.2003	846	19093607	10-0519/11515	30.11.2005	Карабаев А.
14	VAS-AVTOSERVIS	ХФ	203614802	25.03.2002	300	18105805	10-0519/11516	30.11.2005	Карабаев А.
15	YO'LDOSHOY	ХФ	204501530	15.04.2003	707	18936819	10-0519/11517	30.11.2005	Абдурахимов С.
16	ONAJONIM	ХФ	204208110	14.10.2002	1212	18720491	10-0519/11518	30.11.2005	Камбаров Б.
17	MAMARAYIM-BARAKA	ХК	204959585	24.03.2004	000262-03	19396029	10-0519/11519	30.11.2005	Шайхов С.
18	TRANSQURILISHSERVIS	ШК	202627920	18.08.1998	464	17055809	10-0519/11520	30.11.2005	Икромов К.
19	BEGLAR	ХФ	203861307	30.01.2002	108	18373345	10-0519/11521	30.11.2005	Обидов З.
20	EVROINTREKS	ХФ	200511807	13.04.1995	138/9		10-0519/11522	30.11.2005	Муминова С.
21	JAMOL-HUMOYUN	МЧЖ	202619574	04.08.1998	442/1	17057990	10-0519/11523	30.11.2005	Алимов А.

Ушбу корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалок муҳр ва бурчак шамплари бекор қилинади. Кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2005 йил 13 декабрда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари куйидаги манзилда давом этмоқда: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.

ХАНДАЛАР

Бир эзма касал кўргани бориб, узоқ ўтириб қолибди ва касалдан: — Кўнглинг нимани истаса айт, дарҳол муҳайё қиламан, — деб керилибди. — Кўнглим шуни истайдики, — дебди касал, — ўлсаму сенинг туркингни кўрмасам!

Бир эзма оғир беморнинг ёстиги бошида узоқ ўтириб: — Нима ташвишинг бор, айт? — дебди бемордан сўраса, бемор: — Сени яна келишинг ташвишиндан бошқа ташвишим йўқ, — дебди.

Бир бекорасант касал кўргани бориб, бемордан: — Қанақа дардга чалиндингиз? — деб сўрабди. — Нафасим сиқилди, юрак уйноқи бўлиб қолганман, — дебди бемор.

— Бўлмаса, тезроқ васиятингни қила қол, менинг отам билан акам шу дардан ўлиб кетишди. Сенинг ҳам тузалиб кетишинг дарғумон. Болаларингни қақриб, менинг олдимда васиятингни қил, — дебди бекорасант.

Касал болаларини қақриб: — Болаларим, сизларга қиладиган васиятим шуки, минбаъд бу бетамизни менинг олдимга киргизманглар! — дебди.

«ДЎСТЛАР»

— Ассалому алайкум дўстим, Собир, ҳол-аҳволинг, оила аъзоларинг, ака-укаларинг саломатми? Узинг яхши юрибсанми?

— Раҳмат, ҳаяммамиз яхшимиз. — Дўстим майда пулинг бўлса трамвайга тушишга бериб тур.

— Майдам йўқ, 1000 сўмлик экан.

— Майли беравер дўстим, таксига тушиб кетарман.

— Тото, бировни алдаш жуда ёмон одат.

— Мен сенинг ёшингда ҳеч кимни алдамагман.

— Бўлмаса сиз неча ёшингиздан бошлагансиз?

— Жоннинг бувиси унга шokolад берди.

— Уга лирмасдан шokolадни ея, бошлади.

— Шokolад бергандан кейин нима дейиш керак? — сўради бувиси ундан.

— Яна беринг, — деди Жон.

— Тушимда профессор бўлиб қолган эмишман. Тушим уннга айлангани учун нима қилмоқ керак?

— Камроқ ушлаш керак, биродар.

— Сунда: — Елғон гувоҳлик берсанг, нима бўлишини биласанми?

— Ҳа, биламан. Менга «Волга» ваъда қилишган.

— Иштахангиз қалай?

— Бирда бор, бирда йўқ. — Қандай ҳолларда йўқ бўлади?

— Тўйиб овқатланганимда.

Шифокор беморга: — Пианино чапишни бас қилсангиз бутунлай тузалиб кетасиз.

Бемор кетгандан сўнг ҳамшира сўради: — Пианино билан касаллиги ўртасида қандай боғлиқлик бор?

— У менинг қўшим бўлади.

«Радиодеталлар» дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи электрон, аудио ва видео ўлчов асбобларини сотади ва харид қилади. Телефон: 68-93-93

Спорт

**ПОЙТАХТ
КУРАШЧИЛАРИ
ОЛДИНДА**

Шаҳримизда эркин кураш бўйича эркалар ва кизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд вилоятларидан келган 160 нафарга яқин эркин кураш усталари ўз маҳоратларини кўрсатиб, галаба учун кураш олиб бордилар.

Финал баҳсларининг кўпчилигида асосан пойтахтлик спортчиларнинг ўзaro беллашганлиги шаҳарда ушбу спорт тури ривожига катта аҳамият берилаётганидан далolatдир. Ғолиблар хусусида тўхталидиган бўлсак, кизлар ўртасида энг энгил вазнда қорақалпоғистонлик У. Ашимбетовани энгган тошкентлик спортчи Л.Шокирова ҳурмат шохупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Кизиги шундаки, 59 килограммгача вазнда А.Артиқбоева (Тошкент шаҳри) галаба наҳидасини сурган бўлса, кейинги совринли ўринни ҳам пойтахт шарафини ҳимоя қилган Д.Мирзаева эгналди.

63килограммгача бўлган кейинги вазнда ҳам худди шундай ҳолат юзага келди. Финалда А.Йўлдошева ҳамда Л.Ғалимова (иккови Тошкент шаҳридан) ўзaro рўбарў келган бўлса, галаба маҳорат бобида бир оз устун келган А.Йўлдошевага насиб этди.

67 килограммгача вазнда ҳам шаҳримиз Х.Ғалимовага тенг келадиганлар топилмади.

Эркалар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари энг яхши натижаларга эришдилар. Чунончи, 55,60,84 килограммгача бўлган вазн тоифаларида ушбу республикадан Ж.Қодиров, У.Тлегенов ҳамда А.Ешетовлар олтин нишонларни қўлга киритишган бўлса, 120 килограммгача бўлган энг оғир вазнда Д.Палуанниёзов иккинчи ўрин билан кифояланди.

74 ва 96 килограммгача вазнларда эса тошкентлик эркин кураш усталари А.Пирисажюк ҳамда А.Ҳўхамуродовлар ғолиблар сафини башқарди. Шунингдек, яна икки нафар ҳамшаҳарларимиз Ф.Нустратов ҳамда А.Захарянларга кумуш нишонлар насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)



2005 — Сухат-саломатлик йили

КУЧЛИЛАРГА ОМАД ЁР

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш давлатимиз ички сиёсатида устувор жиҳатлардан бирини ташкил этади. Айниқса, жорий йилнинг «Сухат-саломатлик йили» дея эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши амалга оширилаётган эзгу ишларимизнинг янада жонланишига замин яратди десак муболага бўлмайди.

Шаҳримиз мактабларида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Хусусан, Яққасарой туманидаги 172-ўрта умумтаълим мактаби худудида биатлон ва югуриш бўйича ўтказилган мусобақа барча спорт беллашувлари қатори ўзининг қизиқарлилиги, мароқли лаҳзаларга бойлиги ва иштироқчиларнинг галабага бўлган интилиши билан алоҳида ажралиб турди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур мусобақанинг очилиш маросими Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши билан бошланди. Шундан сўнг ҳар икки турдаги баҳсларнинг бошланиши учун старт берилди.

— Бугунги мусобақада 20 та жамоа яқка тартибдаги ғолиблик учун баҳслар олиб боради, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой бўлимига қарашли спорт-техника клуби раҳбари Хусан Ҳақимов биз билан суҳбатда. — Гарчи мусобақамиз

шаҳар миқёсидаги автомобиль мактаблари, спорт техника клублари аъзолари ўртасида ўтказилаётган бўлса-да, биз имкониятдан келиб чиқиб Тошкент вилоятининг Бекобод, Пскент, Куйи Чирчик, Келес, Ғазалкент сингари туманлардан меҳмонларни ҳам тақлиф этганмиз.

Мусобақа низомига кўра даставвал кизлар ўртасида биатлон мусобақаси ўтказилди. Албатта, нишонга беҳато уриш ҳар қандай спортчидан юксак маҳорат ва чиниқлини талаб этади. Буни яхши билган кизлар нишонни тўғри мўлжалга олишда йигитлардан кам таърибага эга эмаслигини амалда исботладилар.

— Пойтахтга илк маротаба келишим, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Куйи Чирчик тумани вакили Севараҳон Ортиқова. — Биатлон баҳсларида жамоадошларимнинг ишончини оқлаш



учун бор кучимни сарфлашга тайёрман.

Шу тариқа ҳар икки спорт тури бўйича фаол иштирок этган мусобақа қатнашчилари аниқланди. Уларга асосий ташкилотчи — мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой тумани бўлими томонидан I, II, III даражали дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар; мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой тумани бўлимига қарашли спорт техника клуби раҳбари Хусан Ҳақимов ғолибларга рағбатлантурувчи муқофотларни топширмоқда. Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон - Марказий Осиёнинг юраги. Суратларда акс этар равнақ» мавзусида фото-кўргазма очилди.

**ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖ
ФОТОҲАВАСКОРЛАРИ
НИГОҲИДА**

У Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Экономическое обозрение» журналы ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, унда юртимиз фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон худудида вақтинча истиқомат қилаётган фотоҳаваскорлар олган суратлар намойиш этилаётган.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазири А.Шайхов ушбу фото-кўргазма хорижлик дўстларимизнинг мамлакатимизга ва халқимизга покиза меҳр-муҳаббатидан далolat эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилган, маърузалар тайёрланган. Бирок улар мамлакатимизнинг гўзал табиати, урф-одатлари, осори-атиқасини фотосуратлар каби тасвирлаб бериши қийин.

Кўргазмадан Ўзбекистонда фаоллаш олиб бораётган хорижий элчихоналар, ишбилармонлар, ҳалқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртларимизда ишлаётган чет эллик мутахассисларнинг 150 дан ортиқ фотоасари жой олган.

**Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

Мунажжам башорати

ХАРИДЛАР ХАЙРЛИ БЎЛАДИ

9 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Мебель, китоблар, кийим-кечак ва бошқа зарур буюмларни харид қилиш бугун хайрли бўлишини мунажжам Лина Савансарни ваъда қилади. Лидия Неведомская эса бугунги омадингиз сайёралар жойлашишдан кўра кўпроқ эътиқодингиз кучи, мустаҳкамлигига боғлиқ бўлишини таъкидлаган.

Ой сайёрасининг йўналишсиз ҳолатда бўлиши (соат 06.18 дан 11.03 гача) кўпчилик кишиларда воқеликни бўяб кўрсатиш ҳамда хаёлларики реалликка йўйишига мойиллик кучайишига сабаб бўларкан. Аммо шу кичкинагина беозор ёлғон ҳам баъзиларга анча-мунча нохушлиқлар келтириши мумкин.

Шу кун иттир маъдан буюм топиб олишингиз омад ва эътироф белгиси бўлади. Бирон жойингизни кесиб олишингиз ёки бирон нарса санчилиши ортиқча барча нарсалардан халос бўлишингизни билдиради. Пичоқнинг синиши, кийимнинг йиртилиши ёки тугманинг йўқолиши нохушлиқлардан огоҳлантиришдир.

Бу кеча кўриладиган тушлар пуч, аммо кўрқинчи бўлиши мумкин, уларга эътибор қилмаганингиз маъқул.

Кайноқ ва аччиқ таомларни истеъмол қилиш жуда фойдали бўлади. Лекин қовурилган гўшт ва спиртли ичимлик мутлақо ман этилади. Танани тозаловчи муолажалар қилиш, ҳаммомга тушиш сало-

матлигингизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кизил ва зарғалдоқранг либосларга бугун устуворлик бериш тўғри бўлади. Яшилликка мойил барча ранглардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

БУГУН:

— бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;

— ишлаб чиқаришга оид ҳамда шахсий муаммоларингизни ҳал этиш;

— уйда ишлашингизга тўғри келадиган устаҳонангиз, ижодхонангиз, ошхона ва бошқа хоналар жиҳозларини ўзгартириб, уларда ўзига хос фойз яратилишига эришиш;

— мебель, китоблар, кийимлар, спорт анжомлари ва ўзингизга керакли бошқа буюмларни харид қилиш;

— хонаки ўсимликларни ўтқизиш ва кўчириб ўтқизиш, уй ҳайвонларига ғамхўрлик кўрсатиш;

— театр, музей, уйингоҳларга ташриф буюриш;

— оилавий байрам, кичик зиёфат уюштириш тавсия этилади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 боёма табоқ офсет усунлида боёлади.
2496 нуссада боёлади. Қанго бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенанба, чоршанба,
пайанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтагити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровида.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.